

АБО МУСЛИМ

13 декабрда «Турон» кишлик биносида улуг адибимиз Фитратнинг 5 парда 7 кўрунушлик «Або Муслим Хуросоний» номлик томошаси ўйналди.

Томоша — аралашкучу кахрамонларнинг кўблиги ҳам тарихнинг энг чувалашкон давридан олиниб ёзилгани учун томошанинг сўнгига унинг натижасини тўла кўрвататургон бир кўрунуш ортдирилгон. Бу кўрунуш хийла муваффақиятлик тузулган. Айникса, Марв беги кизининг бир тўда «ёввойи» кишилар орасида колгон чогидаги шошкинлиги, одам болаларининг ахлоқ важдан кандай куйи даражаларга тушганлиги тўгрисида халкка каратиб килгон хитоблари ҳам ул кишиларнинг хар бирини битта-битта таъриф килиши жуда ўткурдир.

Умуман томошада Фитратга хос сўз усталиги хийла кучлик. Бу жихатдан томоша катта бир адабий ахамиятга моликдир.

Энди ўйнагучиларга келсак, Або Муслим рўлида Аброр томошанинг бошдан-оёгигача бир текис олиб бора олмади. Очиброк айтганда, биз исломият тарихида жуда улуг довруklarга сабаб бўлгон темир вужудлик, пўлат иродалик, мудхиш Або Муслимни кўра олмадик. Аброр эпчил артисимиздир, шу тилагимизни бу сафар бўлмаса, бошка бир сафар бера олишига ишонамиз. Охирги кўрунишда аббосийларнинг биринчи халифаси рўлини Сайфи кори жуда юмшок ўйнади. Айникса, Або Муслим билан Марв беги кизининг ўлишлари чогида, кароматчи шайх чопони остидан ховаржларнинг жосуси Заххок чикиб келган вақтда, ўзининг катта ва тузалмас хатоларини англагон дамларда шу кадар кам харакат эдиким, сира кўя коллинг! Сайфи корининг ампуласи (ўйнайтургон ўюнлари) белгуликдир. Режиссур шуни кўзда тутуб уни гоят жиддий бўлгон шу хил рўлларга чикармаслиги керак.

Бизнинг Туркистонда «догули айёр» деб ном чикаргон Заххок рўлида Уйгур бошдан-оёк яхши. Кўзга илинар-илинмас суствлик ва рухсизлигини санамасак, Марв бегининг кизи Гулнор рўлида Масъума хоним яхши. Або Муслимнинг вазири Холид рўлида Ўктам, Марв беги рўлида (аввалларда Сайфи кори) Амир Али рўлида Шокир, Язид рўлида Олим, Гулнорнинг энагаси рўлида (Робия Туташ текис ўйнайдилар. Нарсиёр рўлида чиккан Босит билан Язид рўлидаги Олимнинг юксак рух билан вазият ва ахволга ёндаштириб

ўйнашларини айтиб ўтмак керак. Бошка кичкина вазифалар ҳам дуруст бажарилди.

Умуман айтганда, бу асарнинг бу сафарги ўйналишини жуда текис ва завкли ўюнлардан бўлди десак, сира янглишмагон бўламиз.

Бизнинг кашшок ва эсдан чикиб кетган сахнамизга хос бўлгон камчиликлар (жихоз, декоратсия ва кийимлар камлиги), албатта бу йўла ҳам бор эди. Бунларнинг тўлдирилиши, тугалланиши — Марв бегининг бир саволига карши Заххонинг берган жавобидек: «Тева кафасга кирганда бўлатургонга ўхшайдир...»

Халк зич, тўла эди.

«Халк театрга юрмайди» деган гап тўғри эмас, халк юрадир. Локин, театр-томоша исмида бўлатургон курчок ўюнларига, ўз рухига ёт бўлгон унга англашилмайтургон таржималик «гарбий» асарларга юрмаса хаки бордир. Йўк эса ўзини кизиктиратургон заминларда ёзилгон ва яхши ўйналатургон томошаларга халк юрадир.

Бу хол сўнг вақтда жуда очук кўрулди.

Халкнинг руhini яхши тушуниб олгон Давлат труппаси энди халк рухига якин бўлгон нарсаларни кўпрак кўймок учун харакат кила бошламишдир. Хозир труппа томонидан Хуршид ўрток калами билан томоша холига солингон машхур «Фарход ва Ширин» афсонаси тайёрланмоқдадир.

Иккинчи томондан сахнамизнинг ўзини тузатишга ҳам жиддий харакатлар кўрула бошлади. Сирдарё музофот фирка кўмитасининг масъул саркотиби ўрток Абдулхай Тожи билан Эски шахар ижрокўмининг муваккат раиси Маннон Рамз ўртоклар марказнинг бирдан-бир санъат маркази бўлгон «Турон» биноси ва Давлат труппасини яхши йўлга кўймок ишини бир неча хаваслик кишиларга топшуриб пуллик ёрдам ваъда килгонлар.

Або Муслим. — «Туркистон» газетасининг 1921 йил 21 декабрь сонида Каландар имзоси билан эълон қилинган.

Аброр — Аброр Хидоятлов (1900—1958), машхур театр актёри, СССР халқ артисти. 4918 йилдан актёрлик фаолиятини бошлаган А. Хидоятлов Отелло ролининг ижроси билан халқ дилида мухрланиб қолган.

Аббосийларнинг биринчи халифаси — Мухаммад алайхиссаломнинг амакиси Аббос авлодидан «Саффоқ» (Хунрез) лақаби билан машхур бўлган Абу Аббос Абдуллох сулоланнинг биринчи халифаси эди.

Маъсума хоним — Махсума Қориева (1902—1940), илк ўзбек актрисаларидан, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист.

Шоқир — Шоқир Нажмиддинов, 1903 йилда тугилган. Ижодий фаолиятини 1919 йилда Карл Маркс номи труппа составида бошлаган талантили актёр. Ўзбекистон ССР халқ артисти.